# Товар (махсулот) етказиб беришга
# ШАРТНОМА № 4

Наманган в. «25» I 2022 йил

Амалдаги Низом асосида иш кўрувчи, кейинчалик "Истеъмолчи" деб юритилувчи **"NAMANGAN VILOYATI PERINATAL MARKAZI"** номидан бюджет ташкилоти рахбари И. Мухитдинова бир томондан ва амалдаги Устав асосида иш кўрувчи, кейинчалик "Етказиб берувчи" деб юритилувчи **"EKO BIO MEDIKAL FARM" масъулияти чекланган жамият** номидан иш кўрувчи рахбар А.Улуғбаев иккинчи томондан мазкур шартномани куйидагилар тўгрисида туздилар:

## I. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

1. Мазкур шартнома бўйича "Етказиб берувчи" "Истеъмолчи"га дори-дармон ва боглов материаллари (кейинги ўринларда - "Товар (махсулот)" деб юритилади) етказиб бериш, "Истеъмолчи" эса уларни кабул килиб махсулот сифатига тула жавобгарликни олиб хамда махсулот киймати аниклаштирувчи хужжатлар асосида бюджет маблаглар хисобидан туловни амалга ошириб беради.

## II. "ТОВАР (МАХСУЛОТ)" НИНГ СИФАТИ.

2.1. Етказиб бериладиган “Товар (махсулот)” учун 24 ой муддатга кафолат берилади.

## III. ТОМОНЛАРНИНГ ХУКУК ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. "Бюджет ташкилоти" нинг хукуклари:

"Етказиб берувчи"дан шартномани бажариш учун зарур бўлган амалдаги давлат стандартлари ва бошка норматив хужжатлар билан таъминлашни талаб килиш;

"Товар (махсулот)" "Бюджет ташкилоти"га транспортда ташилганда "Етказиб берувчи"дан транспорт харажатларини коплашни талаб килиш;

"Етказиб берувчи"дан мазкур шартномага мувофик бериладиган буюртманомага мувофик тегишли сифат, ассортиментдаги "Товар (махсулот)" етказиб берилишини талаб килиш;

- зарур сифатга эга бўлмаган "Товар (махсулот)" етказиб берилмаган такдирда ўз танлашига кўра:
- зарур сифатга эга бўлмаган "Товар (махсулот)" шунга ўхшаш "Товар (махсулот)" билан алмаштирилишини;
- бахосининг мутаносиб тарзда камайтирилишини талаб килиш;
- мазкур шартнома шартлари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарар копланишини "Етказиб берувчи"дан талаб килиш.

3.2. "Бюджет ташкилоти"нинг мажбуриятлари:

ўз буюртманомаси бўйича етказиб берилган "Товар (махсулот)"ни мазкур шартномага мувофик кабул килиш;

"Товар (махсулот)"га мазкур шартноманинг 3.1-бандида кўрсатилган нарх бўйича, кабул килиш-топшириш далолатномаси имзоланган пайтдан бошлаб «Тулаб берувчи» га тулов хужжатларини такдим килиш.

3.3. "Етказиб берувчи" куйидаги хукукларга эга:

Етказиб берилган "Товар (махсулот)" учун олдиндан хак туланишини ва амалдаги конун хужжатларида белгиланган тартибда ва хажмда узил-кесил хисоб килинишини Бюджет ташкилотидан талаб килиш;

ерилган буюртманомага мувофик етказиб берилган "Товар (махсулот)"ни кабул килиш асоссиз рад этилиши натижасида етказилган зарар копланишини "Бюджет ташкилоти"дан талаб килиш.

3.4. "Етказиб берувчи" куйидагиларга мажбур:

"Бюджет ташкилоти"га "Товар (махсулот)"ни мазкур шартномага мувофик ёки "Бюджет ташкилоти" томонидан мазкур шартноманинг 5.8-бандида назарда тутилган тартибда бериладиган унинг буюртманомасига мувофик муддатлар, сифат ва микдорда етказиб бериш;

агар "Товар (махсулот)"ни етказиб бериш жараёнида "Етказиб берувчи" шартнома шартлари ва нормативлардан чекинишга йўл кўйиган бўлса, "Бюджет ташкилоти"нинг талаби билан аникланган барча камчиликларни 3 кун муддатда текин тузатиб бериш.

## IV. ШАРТНОМАНИНГ БАХОСИ ВА ХИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

4.1.Мазкур шартноманинг бахоси =12579500= ( =12579500= ) сўмни ташкил этади.

Етказиб бериладиган "Товар (махсулот)"нинг бахоси мазкур шартномага иловада кўрсатилган.

4.2. Махсулотни транспортда ташиш ва тушириш бўйича барча харажатларни "Етказиб берувчи" кўтаради. Хамда махсулотни 7 кун муддат ичида етказиб беради.

Махсулот "Бюджет ташкилоти"нинг транспорти билан етказиб берилган такдирда "Етказиб берувчи" транспортда ташиш харажатларини унга копламайди (идишни хам ўз ичига олган холда амалдаги масса бўйича).

4.3. "Бюджет ташкилоти" етказиб бериладиган "Товар (махсулот)" туркуми суммасининг 30% фоизи микдорида олдиндан хак тўлаб беради.Хамда колган 70% ли туловини махсулот олингандан сунг счёт фактура далолатномалари тасдиклангандан сунг тулов хужжатлари асосида белгиланган тулов кетма-кетлигига риоя килган холда туловни амалга ошириб беради.

4.4. Етказиб берилган "Товар (махсулот)" учун пул утказиш йўли билан накд пулсиз тартибда хисоб-китоб килинади.

## V. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ

5.1. Шартнома мазкур шартнома ва конун хужжатлари шартлари ва талабларига мувофик зарур тарзда бажарилиши керак.

Агар томонлар ўз зиммаларига кабул килинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб хисобланади.

5.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл кўйилмайди, конун хужжатларда белгиланган холлар бундан мустасно.

5.3. "Товар (маҳсулот)" қабул қилиш-топшириш далолатномалари тузилган сана шартномалар бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади.

Ҳисоб-китоб ҳужжатида банк муассасаси штампида кўрсатилган сана "Товар (маҳсулот)"га ҳақ тўлаш бўйича "Бюджет ташкилоти" мажбуриятлари бажарилган сана ҳисобланади.

5.4. "Бюджет ташкилоти"нинг розилиги билан "Товар (маҳсулот)" муддатидан олдин етказиб берилиши мумкин. Етказиб берилган ва "Бюджет ташкилоти" томонидан қабул қилинган "Товар (маҳсулот)" учун кейинги даврларда етказиб берилиши керак бўлган "Товар (маҳсулот)" ҳисобига ҳақ тўланади ва улар ҳисобига ўтказилади.

5.5. "Бюджет ташкилоти" муддатлар бузилган ҳолда етказиб берилган "Товар (маҳсулот)"ни қабул қилишни рад этишга ҳақлидир.

5.6. Назарда тутилган миқдордан ортиқча бир номда "Товар (маҳсулот)" етказиб берилиши ушбу ассортиментга кирувчи бошқа номдаги етказиб берилмаган "Товар (маҳсулот)" ўрнини тўлдириш сифатида қаралмайди ва етказиб берилмаган "Товар (маҳсулот)"нинг ўрни тўлдирилиши керак, бундай "Товар (маҳсулот)" етказиб бериш "Бюджет ташкилоти"нинг олдиндан берилган ёзма розилиги ёки талабномаси бўйича амалга оширилган ҳоллар бундан мустасно.

5.7. Етказиб берилган "Товар (маҳсулот)" бевосита "Бюджет ташкилоти"нинг масъул ходими томонидан далолатнома бўйича қабул қилинади. Далолатномада етказиб берилган "Товар (маҳсулот)" миқдори, уларнинг сифати кўрсатилади.

5.8. Мазкур шартномада назарда тутилган "Товар (маҳсулот)" етказиб бериш мазкур шартномага мувофиқ ёки "Бюджет ташкилоти"нинг буюртманомасида кўрсатилган муддатлар ва ҳажмда мазкур шартномада кўрсатилган давр мобайнида амалга оширилади. Ушбу мақсадларда "Етказиб берувчи" Бюджет ташкилотиларнинг буюртманомаларини рўйхатдан ўтказиш дафтарини юритади.

Буюртманома "Товар (маҳсулот)"нинг тегишли туркумларини етказиб беришнинг мўлжалланаётган санасигача камида 5 кун олдин чопар орқали, почта орқали ёки бошқача тарзда берилади. Буюртмаономани чопар орқали қабул қилишда "Етказиб берувчи"нинг ходими "Бюджет ташкилоти"да қоладиган нусхага санани кўрсатган ҳолда у қабул қилинганлиги тўғрисида белги қўяди.

5.9. "Бюджет ташкилоти" илгари берилган буюртмаономани бекор қилишга ёхуд "Товар (маҳсулот)"нинг тегишли туркумларини етказиб бериш санасини ўзгартиришга ҳақлидир, бу ҳақда "Етказиб берувчи"ни буюртманомада кўрсатилган сана бошланишидан камида 1 кун олдин хабардор қилади.

## VI. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Етказиб берилаётган "Товар (маҳсулот)" сифати, миқдори "Етказиб берувчи" томонидан нотўғри аниқланиши, уларнинг қиймати нотўғри белгиланиши ва ундирилиши ҳоллари аниқланган тақдирда "Етказиб берувчи" етказиб берилаётган "Товар (маҳсулот)"нинг сифатини, шунингдек уларнинг миқдорини ҳисобга олган ҳолда қайта ҳисоб-китоб қилади ва ҳисоблаб чиқилган ушбу суммадан ташқари "Бюджет ташкилоти"га нотўғри ҳисоб-китоб қилинган сумманинг 20 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

6.2. Агар етказиб берилган "Товар (маҳсулот)"нинг сифати, ассортименти, навлари, стандарт, техник шартлар талабларига, намуналарга (эталонларга) ёки шартномада белгиланган бошқа шартларга жавоб бермаган тақдирда, айбдор томон етказиб берилган, сифати зарур даражада бўлмаган "Товар (маҳсулот)" қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

6.3. "Товар (маҳсулот)" етказиб бериш бўйича шартномада назарда тутилган мажбуриятлар бажарилиши рад этилганлиги учун "Етказиб берувчи" "Бюджет ташкилоти"га белгиланган устамалардан ташқари етказиб берилиши керак бўлган "Товар (маҳсулот)"нинг 25 фоизи миқдорида жарима тўлайди. Жаримадан ташқари, "Етказиб берувчи" "Бюджет ташкилоти"га "Товар (маҳсулот)" етказиб берилмаслиги натижасида етказилган зарарни тўлайди.

6.4. "Товар (маҳсулот)"ни етказиб бериш кечиктирилган ёки тўлиқ етказиб берилмаган тақдирда "Етказиб берувчи" "Бюджет ташкилоти"га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган "Товар (маҳсулот)" қийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак. Пеня тўланиши шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани зарур тарзда бажаришдан ва "Товар (маҳсулот)" етказиб бериш муддати кечиктирилиши ёки тўлиқ етказиб берилмаслиги туфайли етказилган зарарлар қопланишидан озод этмайди.

6.5. Етказиб берилган "Товар (маҳсулот)" учун ўз вақтида ҳақ тўланмаганда "Бюджет ташкилоти" "Етказиб берувчи"га муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бу кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

6.6. Мазкур шартномада назарда тутилмаган томонларнинг жавобгарлиги чора-тадбирлари фуқаролик қонунчилиги нормаларига мувофиқ қўлланилади.

## VII. ФОРС - МАЖОР

7.1. Форс-мажор холатлар, жумладан ер қимирлаши, сел келиши каби табиий офатлар, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан янги қонун ва қарорларни қабул қилиниши натижасида келиб чиқадиган холатларда тарафлар мазкур шартнома ва қўшимча келишувлар шартларини бажариш масъулиятини ўз зиммаларига олмайдилар.

## VIII. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

8.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда, томонлар, қоидага кўра, мустақил равишда ёхуд судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

8.2. Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни ҳал этиш учун бевосита судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

## IX. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

9. Шартнома хар икки тамонлама имзолангандан сунг газначилик булинмасидан руйхатдан утказилгандан кейин кучга киради. Амал килиш муддати

2022 йил (25) январ дан

2022 йил(31) декабр гача

## X. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

10.1. Мазкур шартнома томонларнинг келишувига кўра ёки бошқа томон шартнома шартларини жиддий равишда бузган тақдирда, томонлардан бирининг талаби бўйича суд тартибида бекор қилиниши мумкин.

10.2. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма шаклда содир этилиши ва томонларнинг бунга зарур даражада вакил қилинган вакиллари томонидан имзоланиши шарти билан ҳақиқий ҳисобланади.

10.3. Ушбу шартномада курсатилмаган шартлар «Хужалик субъектларининг шартномавий хукукий базаси тугрисида» ги Узбекистон Республикаси конунининг тегишли моддалари талабларини ва амалдаги конунлар талабларини хисобга олган холда узаро келишувлар оркали амалга оширилади.

10.4. Мазкур шартнома икки нусхада тузилди. Шартноманинг барча нусхалари тенг юридик кучга эгадир.

## XI. Томонларнинг манзили ва банк реквизитлари:

| Етказиб берувчи | Истеъмолчи |
|---|---|
| "EKO BIO MEDIKAL FARM" MCHJ | "NAMANGAN VILOYATI PERINATAL MARKAZI" |
| Манзил: Namangan viloyati, Pop tumani, Pop shahri Xazratibod MFY, Xazratibob ko'chasi, 3-uy | Манзил: Namangan viloyati, Namangan sh., Bobursho ko'chasi, 143-а uy |
| Х/р: 20208000905238440001 | Х/р: 100021860144917073100174001 |
| Банки: "НАМАНГАН Ш.,ХАМКОРБАНК""АТ БАНКИНИНГ НАМАНГАН БУЛИМИ | Банки: ТОШКЕНТ Ш., МАРКАЗИЙ БАНКНИНГ ТОШКЕНТ ШАХАР ХИСОБ- |
| МФО: 00992 | МФО: 00014 |
| ИНН: 307479560 ОКЭД: 46460 | ИНН: 200055504 ОКЭД: 86100 |
| Тел: +998973741040 | Тел-69239-43-76 69239-25-71 69239-18-24 |
| Рахбар: ____________ А.Улуғбаев | Рахбар: ____________ |
| МЎ | |

Ушбу шартнома лойихаси Уз.Респ-нг «Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тугрисида» ги конунининг 10,24-34 моддалари ва Уз.Респ-и «Фукаролик кодекси» нинг386-424 моддаларииталабларига жавоб беради.

Хукукшунос ____________

**"EKO BIO MEDIKAL FARM" MCHJ ва "NAMANGAN VILOYATI PERINATAL MARKAZI" ўртасидаги тузилган 25 . I .2022-йилдаги 4-сонли шартномага**

**1-илова**

***Етказиб бериладиган Дори-Дармонларнинг миқдори ва нархини***

## СПЕЦИФИКАЦИЯСИ

| № | Дори-Дармонларнинг номи | Ул бирл | Миқдори | Нархи | Суммаси | НДС | | Етказиб бериш киймати НДС билан |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | Ставка | Сумма | |
| 1 | Кофеин бензаат 20% 1*10 | уп | 30,00 | 4 800,00 | 144 000,00 | БезНДС | | 144 000,00 |
| 2 | Калций глюконат 10% 10*10 | уп | 50,00 | 2 850,00 | 142 500,00 | БезНДС | | 142 500,00 |
| 3 | Калций глюконат 10% 5*10 | уп | 30,00 | 2 350,00 | 70 500,00 | БезНДС | | 70 500,00 |
| 4 | Церуглан 2*10 | уп | 50,00 | 4 250,00 | 212 500,00 | БезНДС | | 212 500,00 |
| 5 | Окстоцин 1*10 | уп | 700,00 | 5 750,00 | 4 025 000,00 | БезНДС | | 4 025 000,00 |
| 6 | Система инф. | дона | 2 500,00 | 2 600,00 | 6 500 000,00 | БезНДС | | 6 500 000,00 |
| 7 | Киндик кисгич | дона | 900,00 | 1 650,00 | 1 485 000,00 | БезНДС | | 1 485 000,00 |
| **Жами: Ўн икки миллион беш юз етмиш тўққиз минг беш юз сўм 00 тийин.** | | | | | **12 579 500,00** | | | **12 579 500,00** |

| **Сотувчи: "EKO BIO MEDIKAL FARM" MCHJ** | **Харидор: "NAMANGAN VILOYATI PERINATAL MARKAZI"** |
|---|---|
| Манзил: Namangan viloyati, Pop tumani, Pop shahri Xazratibod MFY, Xazratibob ko'chasi, 3-uy<br>Телефон: +998973741040<br>Хисоб ракам: 20208000905238440001<br>Банк: "НАМАНГАН Ш.,ХАМКОРБАНК""АТ БАНКИНИНГ НАМАНГАН БУЛИМИ<br>МФО: 00992<br>СТИР: 307479560 ОКЭД: 46460 | Манзил: Namangan viloyati, Namangan sh., BobursHoh ko'chasi, 143-a uy<br>Телефон: 69239-43-76 69239-25-71 69239-18-24<br>Хисоб ракам: 100021860144017973310054001<br>Банк: ТОШКЕНТ Ш., МАРКАЗИЙ БАНКНИНГ ТОШКЕНТ ШАХАР ХИСОБ-<br>МФО: 00014<br>СТИР: 200055504 ОКЭД: 86100 |

Рахбар: ____________ (Имзо)

М.Ў.

Рахбар: ____________ (Имзо)

М.Ў.

**« Т А С Д И К Л А Й М А Н »**
**Наманган вилоят Перинатал маркази**
**директори ____________ И.Н.Мухитдинова**

**Наманган вилоят перинатал марказида даволанаётган беморлар учун дори-дармон ва боглов материаллари етказиб бериш буйича энг яхши танлов таклифларини танлаб олиш бўйича тузилган махсус танлов комиссиясининг йиғилиш**

**БАЁНИ № 7**

**Наманган вилоят перинатал маркази**

**25 Январъ 2022 йил**

**Иштирок этдилар;**
**Комиссия раиси: И.Н.Мухитдинова**
**Аъзолар: 4 киши**

**Кун тартиби:**

1. Январь ойи учун зарур булган дори-дармон махсулотларини етказиб берувчилар томонидан берилган таклифларни кўриб чиқиш.

Кун тартибидаги масала юзасидан комиссия аъзоси К.Акралов талабларни хисобга олган холда танлов бўйича танлаш, қатнашчилар томонидан таклиф этилган тижорий таклифларни қиёсланишини назарда тутадиган танлов такифлари сўровида баён қилинган талаблар ва шартларга мувофиқ махсулотни мақбул хизмат курсатувчи танлаш лозимлигини, курсатиладиган хизматлар учун марказга **"Eko bio medical farm" МЧЖ, «Обод фарм сервис» МЧЖ, «Grand medical servis» МЧЖ**лар томонидан таклиф тушганлигини таъкидлаб ўтди ва уларни таклифларини комиссия аъзоларига кўрсатиб ўтди.

Таъминотчилар таклифи:

| № | Номи | Улч бир | Сони | "Eko bio medical farm" МЧЖ | | «Обод фарм сервис» МЧЖ | | «Grand medical servis» МЧЖ | | Етказиб бериш шарти |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | Нархи | Суммаси | Нархи | Суммаси | Нархи | Суммаси | |
| 1 | Кофеин бензаат 20% | Уп | 30 | 4800 | 144000 | 5040 | 151200 | 5292 | 158760 | Харидорни транспортида |
| 2 | Калций глюконат 10% | Уп | 50 | 2850 | 142500 | 2992,5 | 149625 | 3142,13 | 157107 | |
| 3 | Калций глюконат 10% | Уп | 30 | 2350 | 70500 | 2467,5 | 74025 | 2590,88 | 77726 | |
| 4 | Церуглан 2*10 | Уп | 50 | 4250 | 212500 | 4462,5 | 223125 | 4685,63 | 234282 | |
| 5 | Окситоцин 1*10 | Уп | 700 | 5750 | 4025000 | 6037,5 | 4226250 | 6339,38 | 4437566 | |
| 6 | Система инф | Шт | 2500 | 2600 | 6500000 | 2730 | 6825000 | 2866,5 | 7166250 | |
| 7 | Киндек кискич | Шт | 900 | 1650 | 1485000 | 1732,5 | 1559250 | 1819,13 | 1637217 | |
| **Хх** | **Жами:** | **Хх** | **Хх** | **Хх** | **12579500** | **Хх** | **13208475** | **Хх** | **13868907** | |

Ушбу масала юсасидан комиссия аъзоси А.Холматов сузга чикиб таъминотчилар томонидан берилаётган таклифлар ичида **"Eko bio medical farm" МЧЖ** томонидан курсатиладиган хизмат учун кафолат борлиги учун ва бошка хизмат курсатувчиларга нисбатан арзон, сифатли эканлигини айтиб утди.

**Карор килади:**

Марказда даволанаётган беморлар учун дори-дармон ва боглов материаллари етказиб бериш буйича **"Eko bio medical farm" МЧЖ, «Обод фарм сервис» МЧЖ, «Grand medical servis» МЧЖ**лар томонидан берилган таклифлар маълумот учун тасдиқлансин.
Марказда даволанаётган беморлар учун дори-дармон ва боглов материаллари етказиб бериш буйича берилган танлов таклифлари **"Eko bio medical farm" МЧЖ** томонидан берилган танлов таклифи ғолиб деб эълон қилинсин.
Марказ бош хисобчиси К.Акраловга **"Eko bio medical farm" МЧЖ** билан **12 579 500,00** сум миқдорида белгиланган тартибда шартномани расмийлаштириш ва Наманган вилояти бўйича Ғазначилик бошқ+армасидан рўйхатдан ўтказиш вазифаси юклатилсин.

1. О.Косимова ____________ Директор ўринбосари

**Аъзолари:**

2. К.Акралов ____________ Бош хисобчи
3. М.Ахмадалиева ____________ Бош доя
4. А.Холматов ____________ Дорихона мудири

NAMANGAN VILOYATI
POP TUMANI
MAS'ULIYATI CHEKLANGAN JAMIYATI
EKO BIO MEDIKAL
FARM
№ 4/1 -son
15 5 2022y.
Manzil:Namangan viloyati
Pop tumani Xazratibod
mfy xazratibod ko'chasi 3 uy

**(СТИР: 200055504) "NAMANGAN VILOYATI PERINATAL MARKAZI" рахбари**
И. Пулатбекова га

# ТИЖОРИЙ ТАКЛИФ

Наманган вилоятида фаолият юритувчи (СТИР: 307479560) "EKO BIO MEDIKAL FARM" mas`uliyati cheklangan jamiyati 2021-йил январь ойи учун Сизнинг ташкилотингизга қуйидаги келтирилган Дори-Дармонларни сотиб олиши учун нархнома тавсия этади

| № | Товар махсулотларнинг номи | Ўлчов бирлиги | Нархи |
|---|---|---|---|
| 1 | Кофеин бензаат 20% 1*10 | уп | 4 800,00 |
| 2 | Калций глюконат 10% 10*10 | уп | 2 850,00 |
| 3 | Калций глюконат 10% 5*10 | уп | 2 350,00 |
| 4 | Церуглан 2*10 | уп | 4 250,00 |
| 5 | Окстоцин 1*10 | уп | 5 750,00 |
| 6 | Система инф. | дона | 2 600,00 |
| 7 | Киндик кисгич | дона | 1 650,00 |

**Рахбар:** (Имзо) **А.Улуғбаев**

М.У.

O'ZB. RESP. NAMANGAN VIL. POP TUMAN MAS'ULIYATI CHEKLANGAN JAMIYAT
EKO BIO MEDIKAL FARM

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI NAMANGAN VILOYATI NAMANGAN SHAHAR OBOD FARM SERVIS MAS'ULIYATI CHEKLANGAN JAMIYATI
№ 12
24 I 2022
Manzil: Namangan sh. 5a-kichik tumani Xotira ko'chasi 7a-uy

(СТИР: 200055504) "NAMANGAN VILOYATI PERINATAL MARKAZI" рахбари
И. Муяйдинова га

# ТИЖОРИЙ ТАКЛИФ

Наманган вилоятида фаолият юритувчи (СТИР: 207179691) ""OBOD FARM SERVIS" mas`uliyati cheklangan jamiyati" 2021-йил январ ойи учун Сизнинг ташкилотингизга қуйидаги келтирилган Дори-Дармонларни сотиб олиши учун нархнома тавсия этади

| № | Товар махсулотларнинг номи | Ўлчов бирлиги | Нархи |
|---|---|---|---|
| 1 | Кофеин бензаат 20% 1*10 | уп | 5 040,00 |
| 2 | Калций глюконат 10% 10*10 | уп | 2 992,50 |
| 3 | Калций глюконат 10% 5*10 | уп | 2 467,50 |
| 4 | Церуглан 2*10 | уп | 4 462,50 |
| 5 | Окстоцин 1*10 | уп | 6 037,50 |
| 6 | Система инф. | дона | 2 730,00 |
| 7 | Киндик кисгич | дона | 1 732,50 |

Рахбар: (Имзо) С.Боймирзаев

М.Ў.

O'ZB RES NAMANGAN VILOYATI NAMANGAN SHAHAR MAS'ULIYATI CHEKLANGAN JAMIYATI OBOD FARM SERVIS

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
NAMANGAN VILOYATI
NAMANGAN SHAHAR
GRAND
MEDIKAL SERVIS
MAS'ULIYATI CHEKLANGAN
JAMIYATI
№ 6/1
«24» I 2022 y.
Manzil: Namangan sh.6-kichik tuman,
Qumboy shoh ko'chasi 42a-uy.

(СТИР: 200055504) "NAMANGAN VILOYATI PERINATAL MARKAZI" рахбари
И. Мухиддинова га

# ТИЖОРИЙ ТАКЛИФ

Наманган вилоятида фаолият юритувчи (СТИР: 206766019) ""GRAND MEDIKAL SERVIS" mas`uliyati cheklangan jamiyati" 2021-йил Январ ойи учун Сизнинг ташкилотингизга қуйидаги келтирилган Дори-Дармонларни сотиб олиши учун нархнома тавсия этади

| № | Товар махсулотларнинг номи | Ўлчов бирлиги | Нархи |
|---|---|---|---|
| 1 | Кофеин бензаат 20% 1*10 | уп | 5 292,00 |
| 2 | Калций глюконат 10% 10*10 | уп | 3 142,13 |
| 3 | Калций глюконат 10% 5*10 | уп | 2 590,88 |
| 4 | Церуглан 2*10 | уп | 4 685,63 |
| 5 | Окстоцин 1*10 | уп | 6 339,38 |
| 6 | Система инф. | дона | 2 866,50 |
| 7 | Киндик кисгич | дона | 1 819,13 |

**Рахбар:** (Имзо) **Ш.Исманов**

М.Ў.

3325132

Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

## GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"EKO BIO MEDIKAL FARM" Mas'uliyati cheklangan jamiyat

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"EKO BIO MEDIKAL FARM" MChJ

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

16.06.2020 860236 ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil):

Soliq to'lovchining identifikasiya raqami (STIR): 307479560

Tashkiliy-huquqiy shakli: Mas'uliyati cheklangan jamiyat

Joylashgan joyi: Namangan viloyati, Pop tumani, Pop, XAZRATIBOD MFY, XAZRATIBOD KO'CHASI, 3-UY,

Guvohnoma: Namangan viloyati, Pop tumani, DAVLAT XIZMATLARI MARKAZI tomonidan berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi):

---

2021-06-30 14:27:37

my.gov.uz
Ягона Интерактив
Давлат Хизматлари Портали

Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги

№ 8200-7460-dc39-09d4-08a1-5140-7442
Ҳужжат яратилинган сана: 2021-06-30
Ариза рақами: 31437334

Ҳужжат берилган: "EKO BIO MEDIKAL FARM" MChJ
Қабул қилувчининг идентификация рақами: 307479560

**Серия: - №: -**

**Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги**

**Фармацевтика фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига П6648 - сонли ЛИЦЕНЗИЯ**

Ушбу лицензия "EKO BIO MEDIKAL FARM" масъулияти чекланган жамиятига тайёр дори воситалари ва тиббий буюмларни улгуржи реализация қилишни амалга ошириш учун берилди.

**Жойлашган жойи (почта манзили):** Наманган вилояти, Поп тумани, Хазратибоб МФЙ, Хазратибоб кўчаси, 3-уй.

**Солиқ тўловчининг идентификациялаш рақами (СТИР):** 307479560

**Лицензия берилган сана:** 07-06-2021 йил

**Амал қилиш муддати:** 07-08-2025 йил

**Лицензиянинг реестр бўйича тартиб рақами:** 14262-20

**Ваколатли шахс:** С.Кариев

ZUFAROVA GULNORA XAYRULLAYEVNA

O'ZB. RESP. NAMANGAN VIL. POP TUMAN MAS'ULIYATI CHEKLANGAN JAMIYAT * EKO BIO MEDIKAL FARM

Мазкур ҳужжат Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 сентябрдаги 728-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали тўғрисидаги низомга мувофиқ шакллантирилган электрон ҳужжатнинг нусхаси ҳисобланади. Электрон ҳужжатнинг нусхасида кўрсатилган маълумотлар тўғрилигини текшириш учун repo.gov.uz веб-сайтига ўтинг ва электрон ҳужжатнинг ноёб рақамини киритинг ёки мобил телефон ёрдамида QR-кодни сканер қилинг. Диққат! Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 сентябрдаги 728-сон қарорига мувофиқ электрон ҳужжатлардаги маълумотлар қонуний ҳисобланади. Давлат органларига Ягона порталда шакллантирилган электрон ҳужжатларнинг нусхаларини қабул қилишни рад этишлари қатъиян тақиқланган.

5854